


МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ №31 (61) 1.08.2019 йил

» Халқаро маданий алоқалар

29 июль – 1 август кунлари Беларусь Республикасининг Минск ва Бобруйск шаҳарларида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтмоқда.
Мазкур тадбирда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг биринчи ўринбосари О.Назарбеков бошчилигидаги делегация 29 июль куни Минск шаҳрига ташриф буюрди.



Беларусда Ўзбекистон маданияти кунлари



МИНСКДА НАВОИЙГА ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛДИ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусь Республикасига расмий ташрифи арафасида Минск шаҳри марказидаги сўлим хиёбонда улуғ Ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бюсти очилди.
Беларусда Ўзбекистон маданияти кунлари доирасидаги ушбу тадбир маданиятларо муносабатларнинг янги тарихидаги улкан воқелик бўлди. Боиси, шу кунгача бу ерда биронта шарқ мутафаккирига бу қадар юксак эҳтиром кўрсатилмаган. Ушбу бюст Беларусь Республикасида шарқ адабиётининг буюк даҳосига қўйилган илк ёдгорликдир.



*Олам аҳли билингишким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизаким, эрур ёрлиғ иш.*
Улуғ бобокалонимиз қаламига мансуб ушбу сатрларнинг орадан неча аср ўтсада, аҳамияти ортиб бормоқда. Буни Ўзбек ва беларус халқлари ўртасидаги муносабатлар ривожиди ҳам кўриш мумкин.
Навоий бобомиз бюсти очилишига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда бу яна бир бор намоён бўлди. Тадбирда улуғ Ўзбек шоирининг ушбу ҳикматли сатрлари беларус тилида янгради.
Тантанали маросимда икки мамлакат парламенти аъзолари, адабиёт, маданият



намояндалари, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.
Беларус Республикаси Миллий мажлиси Кенгаши раиси ўринбосари Марианна Шеткина мазкур тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги янги босқичга чиққан муносабатларнинг мантикий давоми эканини таъкидлади. Ўтган йили Тошкентда атоқли беларус адиби ва жамоат арбоби Якуб Колас хотирасига ёдгорлик ўрнатилгани фикримизга яққол далилди.
— Навоий нафақат улуғ шоир ва мутафаккир, балки буюк маърифатпарвар ҳам бўлган. Навоий мероси бутун инсоният мулкига айланган, асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Давоми 2-саҳифада »



Донолар сўзлайди... »

Дил уйин гамлар супурса, не ажаб,
Янги шодликлар келурлар ярқираб.
Жалолиддин Румий

Ўзиндан ҳаловат тополмасанг, уни бошқа
жойдан излаш бехуда.
Франсуа де Ларошфуко

Бировларнинг айбини муҳокама қил-
лишдан олдин ўз айбингни эсла.
Л.Толстой

Ушбу сонда

“Бухоро мавжлари” — Туркияда



8-саҳифада »

Изсиз йўқолган ҳайкал

Қизиги шундаки, махсус техника ёрдамида ўрнатилган, оғирлиги бир неча тонна келадиغان Й.Охунбобоевнинг бронзадан қуйилган ҳайкали қаерда эканлиги номаълум...

7-саҳифада »

Аждодлардан мерос касблар



6-саҳифада »

Ўзбекистон — буюк йўллар ва тамаддунлар чорраҳаси



5-саҳифада »

Камтарин устоз ёди

Ўринбой Нуралиев сеvimли сози, соҳир овози, актёрлик маҳорати билан халқимиз қалбидан чуқур жой олди.

4-саҳифада »

Халқаро эътироф

Кўқон – жаҳон хунармандлари шахри



Кўқонга “Жаҳон хунармандлари шахри” унвони берилди. Бу ҳақда Жаҳон хунармандлари ташкилотининг раҳбари Роза Гринлес хоним ташкилотнинг яқинда Кўқон шахрига ташриф буюрган Осие ва Тинч океани бўйича раҳбари Гад-

да Каддуми хонимга йўллаган хатида хабар берди.

“Кўқон шахрига Жаҳон хунармандлари шахри унвони берилгани билан табриклиман!” — деб ёзади Роза Гринлес. “Жаҳон хунармандлари шахри” унво-

ни 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, шу кунгача унга дунёдаги турли мамлакатларнинг 30 шахри сазовор бўлган. Кўқон шахри ушбу унвонга сазовор бўлган 31-ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ilk шахар бўлди.



Олий таълим

Кириш имтиҳонлари давом этмоқда

Камалиддин Бехзод номидаги дизайн ва рассомчилик институтида ҳам айни пайтда кириш имтиҳонлари жараёнлари давом этмоқда. Бу йил таълим даргоҳига музейшунослик, тасвирий санъат, санъатшунослик, дизайн ва амалий санъат йўналишларида ўқишни истаган жами 1526 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Уларнинг 39 нафари танлов ғолиби сифатида давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.



Институтда музейшунослик йўналиши бўйича касбий имтиҳонлар бўлиб ўтди. Қолган таълим йўналишлари бўйича эса абитуриентлар тест синови асосида ўқишга қабул қилинади.

Бу йил институтга 27 та бакалаврият таълим йўналиши бўйича жами 471та талаба ўқишга қабул қилинади. Уларнинг 90 таси давлат гранти асосида, 381 таси эса тўлов-контракт асосида ажратилган квоталар ҳисобланади. Магистратура мутахассисликлари учун эса 48 та (шундан 14таси давлат гранти, 34 та тўлов-шартнома асосида) квота ажратилган.

Олий таълим муассасасида 2019-2020 ўқув йилида бешта бакалаврият таълим йўналиши ҳамда иккита магистратура мутахассислиги янгидан ташкил этилди.

Танлов

Фаол китобхонлар аниқланди



29 июль куни Андижон транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида Андижон вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси томонидан ташкил қилинган “Энг яхши китобхон оила” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Унда шахар, туман кўзи ожизлар кутубхоналарининг энг фаол китобхон оилалари иштирок этдилар. Иштирокчилар туртта шарт бўйича беллашишди. Асака тумани кўзи ожизлар кутубхонасининг фаол китобхонлари — Адхамжон Исақов ва Нарғизахон Норматова томонидан ижро этилган дилрабо кўшиқлар, Ҳожимурод Исақов ва Нўъмонжон Алимқуловлар ижросидаги дилтортар наволар тадбир қатнашчиларига манзур бўлди. Андижон шахар махсус кўзи ожизлар маданият маркази ходими Ҳайитбой Исмоилов эса ўз кўшиқлари билан барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Х.УМАРОВА,
Андижон вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси директори

Давоми. Боши 1-саҳифада

Беларусда Ўзбекистон маданияти кунлари



Унинг чуқур фалсафаси, асарларидаги ранг-баранг образлар халқларни дўстлик, инсонпарварлик, олижаноблик каби туйғулар орқали бирлаштиришга хизмат қилади, — деди Марианна Шетка.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Навоий фалсафаси халқларимиз маданияти, тафаккурида бекиёс ўрин тутиши, Президентимиз ташрифи доирасида ўтаётган мажмур маросим ўзбек ва беларус халқлари ўртасидаги узоқ асрлик дўстлик ва биродарлик ришталари бутунги кунда янги босқичга кўтарилаётганини ифода этишини қайд этди. Ўзбекистон Беларусни вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкор, таъқи сиёсатдаги устувор шерик сифатида кўради. Ушбу мамлакат пойтахтида буюк ўзбек шоири ёдгорлигининг очилиши икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу ўринда Алишер Навоий асарлари бугунги кунда ҳам жаҳонда тинчлик, дўстлик, биродарликни тарғиб қилаётган бебаҳо мерос сифатида бошқа халқлар томонидан ҳам қадрланаётганини эътироф этиш жоиз. Аслида чинакам адабиёт вақт, макон, чегара танламайди. Токи инсоният коммуналликка интилар экан, Навоий асарлари ҳар бир даврда, ҳар қандай қатлам учун кадрли ва долзарб бўлиб қолаверади.

Беларуслик ёш хайкалтарош Максим Макаревич томонидан ишланган бюст буни яна бир бор тасдиқлайди.

Шу кун Навоий бобомиз ёдгорлиги пойи гулларга бурканди. Маросим ўзбек ва беларус халқларининг адабиёт байрамига айланиб кетди.

ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ТАНТАНАЛАРИ

Тадбирнинг тантанали очилиш маросими ва ўзбек санъати усталарининг ижодий чиқишлари 30 июль куни бўлиб ўтди. Минск давлат филармониясида ўтказилган ушбу тантанада Беларус Республикаси маданият вазири Ю.Бондар, Ўзбекистон Республикаси маданият вазинининг



биринчи ўринбосари О.Назарбеков, Ўзбекистоннинг Беларусдаги элчиси Н.Юсуповлар сўзга чиқиб, ушбу тадбир ўзаро маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Ушбу тадбирда Беларус парламент вакиллари, депутатлар, Беларус Ташқи ишлари вазири ўринбосари, хорижий давлатларнинг элчилари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида Ўзбекистоннинг маданий меросига бағишланган халқ хунармандчилиги кўргазмаси ташкил этилди.

Шу кун Ўзбекистон делегацияси Бобруйскдаги В.И.Дунин-Марцинкевич номи Могилев драма ва комедия театрида концерт берди.

Ўзбекистон маданияти кунларида “Ялла”, “Мумтоз наво” гуруҳлари, “Тошкент зеболари” рақс ансамбли,



Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров, хизмат кўрсатган артист Ойгул Нодирова ва бошқа қатор ёш истеъдод эгалари ўз чиқишлари билан иштирок этди.

МИНСКДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ НАВОЛАРИ ЯНГРАДИ

Ўзбек ва беларус халқлари жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Мамлакатларимизни бошқа соҳалар қатори халқларимизнинг бетакрор маданияти ва санъати ҳам боғлаб туради.

Самарқандда ўтадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида беларуслик ижодкорлар мунтазам қатнашиб келади. Ўзбекистон маданияти ва санъати вакиллари ҳам Беларусда ўтадиган “Славянский базар” ва бошқа нуфузли фестивалларнинг фаол иштирокчисига айланган.

2018 йил апрель ойида Тошкентда Беларус маданияти ва кинеси кунлари ўтказилган эди. Минскда

очилган Ўзбекистон маданияти кунлари мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликни тараннум ва тараққий эттириш йўлида қўйилган навбатдаги қадамдир.

Маросимда икки мамлакат маданият вакиллари вакиллари сўзга чиқиб, ушбу тадбир ўзаро муштарак маданий алоқаларни мустаҳкамлашда, беларус халқини ўзбек миллий маданиятининг бебаҳо намуналаридан баҳраманд этишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Сокин оқшомда Минск бўйлаб ўзбек миллий наволари янгради. Дилтортар кўшиқ ва рақслар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ
(ЎзА) матеариллари асосида тайёрланди.

Халқаро мусиқа фестивали

“Шарқ тароналари”: тайёргарлик қизғин


26-30 август кунлари Самарқандда “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Айни пайтда мазкур тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмақда.

Фестивалнинг тантанали очилиш мароси-


ми концерти Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев режиссерлигида тайёрланмоқда. Унга 100 нафар энг истеъдодли хонанда ва созанда, миллий симфоник оркестр жамоаси жалб этилди.

Концерт дастури-

дан халқимиз мусиқа ва кўшиқчилик анъаналарининг энг нодир намуналари, мақом ва фольклор кўшиқлари, мусиқалар ўрин олган. Мусиқалар шарқ ва ғарб чолғу асбоблари ҳаммадан яратилмоқда.



Маданий мерос



Янгиланган рўйхат тасдиқланди

Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиш кейинги пайтда соҳа ходимлари олдида бир қанча аниқ вазифаларни қўйди. Айниқса, чекка ҳудудлардаги меъморий обидаларнинг қаровсиз ҳолати аҳолининг ҳам эътирозларига сабаб бўлмоқда. Обидаларнинг эътибордан четда қолишига эса уларнинг моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилмагани сабаб бўлиб келган. 2018-2019 йилларда республикамиздаги барча моддий маданий мерос объектлари тўлиқ ҳатловдан ўтказилиб, уларнинг ҳозирги кундаги ҳолатлари ўрганиб чиқилди.

Хатлов натижалари умумлаштирилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269-сонли қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича “Моддий ма-

даний мерос объектлари давлат кадастрига киритилган моддий маданий объектларнинг янгиланган рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинди.

Ушбу буйруқларга асосан, республикамиздаги барча тарихий-маданий қийматга эга бўлган объектлар моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилди. Мақсад: ҳудудлардаги мавжуд моддий маданий мерос объектларини қайта ҳатловдан ўтказиш, тарихий обидаларни тиклаш, қадимий қадамжоларнинг ҳолатини яхшилаш, йўқолиб кетиш арафасида турган объектларни

сақлаб қолиш ва бунинг натижасида республикамизда туризм салоҳиятини янада яхшилашга эришишдан иборат.

Маданият вазирининг буйруғи билан моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилган объектлар “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун билан муҳофаза этилади. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Танлов

Ягонасан, муқаддас Ватан!



31 июль куни Жиззах вилоят мусиқали драма театрида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни вилоят маданият бошқармаси бошлиғи К.Фахрадов очиб берди.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, 1-ўринга — М.Курбонов, 2-ўринга — С.Келдиев, С.Тошпўлатова эса 3-ўринга муносиб топилди. Ғолиблар пул мукофотлари, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Маросим якунида танлов иштирокларининг концерти намойиш этилди.

Миржалол ШАЙЗОҚОВ, театр ёш актёри

Тарадуд

Халқаро хунармандчилик фестивали

Кўқон шаҳрида илк бор ўтказилаётган халқаро хунармандчилик фестивалига қизғин тайёргарлик кўрилмақда.

Халқимизнинг қадимий тарихи ва маданий ҳаётини ҳар томонлама кенг ёритиш, номоддий маданий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий хунармандчилигимизни кенг намойиш этиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб қилиш бўйича ўтказилаётган мазкур фестивалнинг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун ҳам ушбу тадбирни юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унга пухта тайёргарлик кўриш ва юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун 185,6 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирга қадар 110 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Кўқона кентда Худоёрхон ўрдаси, Жоме масжиди, Норбўтабий ва Соҳибзода Ҳазрат медресалари, Модарихон даҳмаси ва Даҳмаи шоҳон каби кўплаб маданий мерос объектлари мавжуд. Фестивалга тайёргарлик ишлари жараёнида ҳар бир маданий мерос объекти бўйича турли тилларда буклетлар тайёрлаш, ташриф буюрувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Кўқон шаҳар ҳокимлигидан маълум қилинишича, бугунгача 12 та тарихий обидани таъмирлаш ишлари якунланди, майдонлар, хиёбонлар, йўллар четига яшил майдонларни ҳамда кўп қаватли уйлар олдидаги майдонларни суғориш учун ёпиқ ер ости магистрал суғориш тизимини таъмирлаш ишлари амалга оширилди.



Маҳаллий бюджетдан қўшимча равишда 3 миллиард сўм маблағ ажратилиб, шаҳардаги ичимлик ва оқава сув тармоқларини қуриш ва қайта қуриш ишларини якунлаш чоралари кўрилмақда.

Фестивалнинг асосий тадбирлари Худоёрхон ўрдасида бўлиб ўтади. Айни кунларда бу ерда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Саҳна ва амфитеатр қурилиши давом этмоқда. Янгидан қад ростлаётган меҳмонхоналарнинг 3 тасида қурилиш якунланди, 5 тасида ишлар давом эттирилмоқда. Иштирокчилар учун қўшимча 30 та уй-меҳмонхона ташкил этилиши қизғин кетмоқда. Шунингдек, шаҳар кўчаларини ободонлаштириш, гуллар экиш, кўчаларни безаш, қўшимча ёритиш чирокларини ўрнатиш, кўп қаватли уйлар фасадини таъмирлаш, овқатланиш шохобчалари, конференция ўтказиш зали ва матбуот марказини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

5 кун давом этадиган мазкур фестивалда 80 га яқин мамлакатдан 180 нафар сараланган хунарманд усталар иштирок этиши кутилмоқда. Фестиваль доирасида “Хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференция, хунармандларнинг кўрик-танлови, шунингдек, хорижий ва маҳаллий хунармандларнинг маҳорат дарслари ташкил этилади.

Кўрик-танлов иштирокчиларининг махсулотлари кўргазмаси ва маҳорат дарслари халқаро ҳайъат томонидан 5 та номинация бўйича баҳоланади.

М. СУЛАЙМОНОВ, Муқимжон ҚОДИРОВ (сурат), ЎЗА

» Еш ижодкорлар даврасида

“Нихол” совриндори – боғимиз меҳмони”



Тошкент шаҳридаги Гафур Гулом маданият ва истироҳат боғида “Нихол” давлат мукофоти совриндори Мўминжон Садриддинов — боғимиз меҳмони” номли учрашув бўлиб ўтди.
М.Садриддинов 1987 йили Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида таваллуд топган. У 2011 йили консерватория-

ни муваффақиятли тамомлаб, “Нихол” давлат мукофотига сазовор бўлган. Айти кунда Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблида ижодий фаолият кўрсатмоқда.
Учрашувда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Тоҳиров, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар

ансамблининг ёш хонандаси Наргиза Муродалиева ва ансамбль созандалари ҳам иштирок этишди.
Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ,
Гафур Гулом
номидаги маданият ва истироҳат боғининг етакчи мутахассиси.

» Санъатимиз фидойилари

Камтарин устоз ёди

Ривоят қилишларича, Аллоҳ Таоло инсонни лойдан ясаб, мусиқа ёрдамида унга нафас бахш этган экан. Дарҳақиқат, одамзот мусиқа билан туғилган ва ҳаёти давомида у билан ҳамнафас бўлиб яшайди. Мусиқа билан қалби ва вужуди ошно ноёб истеъдод соҳибларидан бири Ўринбой Нуралиев эди...



Ўзбек санъатининг таниқли вакилларида бири Ўринбой Нуралиев 1942 йил 10 июнда Наманган вилояти Наманган туманидаги Бешкапа қишлоғида туғилди. У кишининг ота-онаси — Моҳирахон ва Нурали Сиддиқовлар 5 ўғил, 2 қизни воята етказишган, Ўринбой оиланинг эрка фарзанди эди.
У аввал Андижон педагогика институтининг филология факультетини (1970 йилда), сўнгра Тошкент театр ва рассомчилик институтини (1979 йилда) драма ва кино актёри мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1958-1961 йилларда Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти театрига вокал-артист сифатида ишга қабул қилинади.

санъати ривожига қўшган хиссаси, сермахсул меҳнати муносиб баҳолашиб, 1971 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1991 йили Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди.
“Чинакам санъат инсонлар юрагига, ҳис-туйғуларига таъсир этиб, руҳиятни тетиклаштиради, инсонлар тўғри йўлга чорлайди, — дейди Наманган давлат университети “Муסיқий таълим” кафедраси мудири Орифжон Азизов. — Ўзбекистон халқ хофизини, таниқли театр ва кино актёри, профессор Ўринбой Нуралиев ана шундай чинакам санъат эгаси ва шоғирдларига ибрат бўла олган олимларимиздан бири эди. Мактабда ўқиб юрган пайтларимиздаёқ Наманган диёридан чиққан санъаткорлар — Камолитдин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев, Турдали Саъдуллаевларни яхши билардик. Уларнинг довуғи нафақат Ўзбекистонга, балки бутун Марказий Осиё, ҳатто хоржий мамлакатларга ҳам кенг ёйилганди...”

1961-1978 йилларда Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театрида, 1978 йилда Наманганда вокал артисти, 1992 йилда халқ ижодиёти вилоят илмий услубият маркази бош мутахассиси, 2001 йилда Наманган театрида режиссёр, вокал артисти, 2002 йилда Наманган давлат университетининг этика ва эстетика кафедраси катта ўқитувачиси, кафедра мудири, 2007 йилдан то умрининг охиригача Наманган вилоят театрида олий тоифали драма артисти сифатида ишлаб келди. Унинг кўплаб асарларда ижро этган Мажнун, Фарход, Равшан, Ҳайдар, Тоҳир, Ибн Сино, Навоий, Темур, Машраб, Умар Ҳайём каби роллари Ўзбек театр санъати тарихида муносиб ўрин олди.

Ўринбой Нуралиев кўп йиллар давомида севимли сози, соҳир овози, актёрлик маҳорати билан халқимиз қалбидан чуқур жой олди. У киши Наманган вилоят театрида фаолият юритаётган чоғларида университет билан ҳамкорликда жуда кўп тадбирларни ташкил этган. Хофизнинг ташкилотчилиги, маърифатпарварлиги, дунёқарашининг бойлиги ана шу тадбирларда намоён бўлган. Унинг “Ҳола сайли”, “Сўрамайсиз”, “Онагинам” каби кўплаб қўшиқларини санъат ихлосмандлари севиб тингलाшди.

Устознинг 70 йиллик юбилеида Наманган театри мухлислар билан тўлиб кетган — турли вилоятлар, пойтахтдан кўплаб меҳмонлар келишганди...
Ўзбек театрининг етуқ намояндаси, бетакрор истеъдод соҳиб, бутун умрини театр ривожига бахшида этган актёр, режиссёр, хушовоз хофиз, бастакор, камтарин устоз ва мураббий Ўринбой Нуралиевнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида абадий сақланиб қолади.
Хуршидаҳон УСМОНОВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Унинг кўплаб асарларда ижро этган Мажнун, Фарход, Равшан, Ҳайдар, Тоҳир, Ибн Сино, Навоий, Темур, Машраб, Умар Ҳайём каби роллари Ўзбек театр санъати тарихида муносиб ўрин олди.
Санъаткорнинг мухлислар қалбидан жой олган ҳамда Ўзбекистон радиоси олтин фондида сақланган ўнлаб қўшиқларини халқимиз ҳозиргача севиб тинглайди. Серкирра ижодкор режиссёрлик салоҳиятини синаб кўриш мақсадида Эркин Хушвақтовнинг “Чимилдик” асарини муваффақиятли сахналаштирди. У мураббий устоз сифатида ёш истеъдодларни тарбиялашда ҳам тахсинга сазовор ишларни амалга оширди. Санъаткорнинг Авазбек Маҳмудов (шифокор, хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими), Умиджон Қорабоев (хонанда) каби шоғирдлари бор. Улар ҳамisha устозини фахр билан хотирлашди.
Ўринбой Нуралиевнинг Ўзбек

» Ешлар — келажагимиз



Муносиб шоғирдлар

Мусиқа инсон руҳиятининг нозик маконларида чечак очади. Бу чечакнинг боғбони эса илоҳий истеъдодга эга хонанда ва созандалар бўлиб, уларнинг ижро маҳорати асосида бетакрор ижод маҳсули яралади.

Мусиқий анжуман, фестивал ва кўрик-танловларнинг халқаро доирада ўтказилиши эса мусиқа санъати ривожини учун жуда катта имконият яратиши шубҳасиз. Чунки бу тадбирлар миллий мусиқа аъёнлари билан бир қаторда композиторлар томонидан яратилган мусиқа асарларини сақлаш, тарғиб қилиш ва бутун дунёга таништиришга, ёш истеъдодларни намоён этишга хизмат қилади.

Мусиқий анжуман, фестивал ва кўрик-танловларнинг халқаро доирада ўтказилиши эса мусиқа санъати ривожини учун жуда катта имконият яратиши шубҳасиз. Чунки бу тадбирлар миллий мусиқа аъёнлари билан бир қаторда композиторлар томонидан яратилган мусиқа асарларини сақлаш, тарғиб қилиш ва бутун дунёга таништиришга, ёш истеъдодларни намоён этишга хизмат қилади.

жамоаси ўқувчилари — Малика Қаландарова, Султонпошша Назарова, Бекпошша Абдуллаева, Оғабек Рустамов, Сарвар Бекчиновлар қатнашиб, Хоразм мақом йўллари ва фольклор қўшиқларини куйлашди. Ўқувчиларимизнинг ижроси анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди ва уларга фахрий ёрлиқ ҳамда ташаккурнома берилди.
Мактабнинг 25 нафар ўқувчи созандаларидан иборат халқ чолғулари оркестри жамоаси шу йилнинг 23-26 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Наврўз садолари” V халқаро кўп овозли ансамбль ва оркестрлар фестивалида иштирок этди. Жамоанинг чиқишлари тингловчиларни ҳам, ҳакамларни ҳам ҳайратга солди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги қарорига асосан 2018-2019 йилларда бўлиб ўтган боғлар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг танловларида Урганч шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳам фаол қатнашишди.

Жумладан, 2018 йил август ойида “Ешлар келажак бунёдкори” шиори остида ўтказилган фестивалнинг республика босқичида “Кўп овозли ансамбль ва оркестр” йўналиши бўйича мактабнинг оркестр жамоаси ва виолончелчилар (И.Каримов раҳбарлигида), гитарачилар (И.Раҳмонов) ансамбллари I даражали диплом билан тақдирландилар.

Шунингдек, мактабнинг яна бир гуруҳ ўқувчилари — Шоҳрух Бекпўлатов, Оғабек Рустамов ва Севдиёр Жуманиёзовлар шу йилнинг апрель ойида Термизда бўлиб ўтган халқаро Бахшчилар фестивалида қатнашишди. 10-14 апрель кунлари бўлиб ўтган профессор Илёс Иброҳимов номидаги виолончель ва контрабас чолғу ижрочилиги бўйича ёш ижрочилар очик танловида эса Иноят Каримов синфи ўқувчилари — Ботир Ҳазратов I даражали диплом ва олтин медаль билан, Мирсад Собиров III даражали диплом ва бронза медали билан тақдирландилар. Шундай қилиб, чолғу созлар сеҳри ва бетакрор ижро маҳорати барча иштирокчиларни лол қолдирди. Қалбларни эзгулик йўлида бирлаштириган санъат анжумани бўлгуси ижрочиларни янада улкан зафарларга илҳомлантирган бўлса, ажаб эмас. Давлатимиз томонидан мусиқа санъатининг ривожини учун яратилган бундай шароитлар, иқтидорли ёшларимизнинг ўз истеъдодини намоён этиш имконияти мазкур таълим маскани ўқувчиларини ҳам янада кўпроқ излашишга, ўз устида ишлашга чорлайди.

“Яккаҳон ижрочимиз — 2-синф ўқувчиси Умидбек Тоҳиров техникаси, маҳоратли ижроси билан барчанинг олқишига сазовор бўлди, — дейди фахр билан мактаб директори У.Болтаев. — Ҳатто Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Феруз Абдураҳимов ҳам ўрнидан туриб қарсақ чалиб юборди”.
“Танлов барчамизда ахши таассурот қолдирди, — дейди оркестр раҳбари И.Каримов. — Унда бир қанча чет давлат оркестр жамоаларининг қатнашиши барчамизни ҳаяжонга солди. Тайёрарлик жараёнида устозлар билан ижодий ҳамкорликда бўлди, маслаҳатлар олди. Ҳакамлар ўқувчиларимиз — Бобур Авазов ва Умидбек Тоҳировларнинг

Утган йили 6-10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган халқаро мақом санъати анжуманида мактаб директори У.Болтаев раҳбарлигидаги фольклор

Сарвар АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувачиси

» Ёшларга оид давлат сиесати амалда

Ташаббускор юрт фарзандлари



26 июль куни Сирдарё вилояти Бахт туманидаги Махсус ўғил болалар ўқув муассасасида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси, Ўзбекистон Бадий Академияси, Камалидин Бехзод номида

ги Шарқ миниатюра санъати музейи ҳамкорлигида “Ташаббускор юрт фарзандлари” номи маданий маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир доирасида миниатюра санъати, рангтасвир, мусиқа ва рақс йўналишлари бўйича

маҳорат дарслари ташкил қилинди. Шунингдек, Ўзбек давлат цирки жамоасининг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади

Маҳорат дарсларида фаол қатнашган болалар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

» Моддий ва маданий мерос


Ўзбекистон — буюк йўллар ва тамаддунлар чорраҳаси

31 июль куни Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан “Sevimli” телеканалда Термиз шаҳрида ўтказиладиган маданий ва тарихий воқеаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳақимов очар экан, 22-27 август кунлари Тошкент, Термиз, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган “Ўзбекистон — цивилизация ва йўллар чорраҳаси: империялар, дин, маданият” мавзусидаги ҳафталикнинг мақсади, мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида сўзлади.



— Бугунги кунда мамлакатимизда юз бераётган оламшумул воқеалар Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ўз ўрни, нуфузи борлигини тасдиқлаб турибди, — деди А. Абдуҳақимов. — Биз бектараф, улугвор ўтмишимизни ҳам унутмаслигимиз, моддий-маданий меросимизни асраб-авайлашимиз ва шу орқали давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, миллий туризмнинг ривожига ҳисса қўшишимиз керак. Зеро, кўрсатса, фахрланса арзийдиган буюк ўтмишимиз, дунё тамадду-

нига дахлдор аждодларимиз бор!.. Халқаро миқёсда қизиқиш билан қўйлаётган ушбу тадбирларда 300 дан зиёд меҳмонлар, хорижий тарихшунос олимлар, археологлар ҳам иштирок этади. 22 август куни Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида “Кушон империяси хазинаси” деб номланган кўргазма ташкил этилади. 24 август куни Термиз шаҳрида “Ўзбекистон — цивилизация ва йўллар чорраҳаси: империялар, дин, маданият” мавзусига бағишланган археологик конференцияда дунёнинг таниқли шарқшунос олимларининг маърузалари тинглана-



ди. Анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари Сухондарё вилоятидаги тарихий обидалар, қадимий шаҳарлар харобаларини, шунингдек, диққатга сазовор жойларни бориб кўришади. Ҳафталик доирасида Кушон империясига бағишланган ҳужжатли фильм ва китоблар тақдимоти ўтказилади.

С.РИХСИЕВА

» Кўрик-танлов

Самарқандда бахшилар беллашди



Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта муҳим ташаббуси ижроси доирасида ёшлар билан мунтазам ишлаш тизimini йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасида қобилиятли ёшларни излаб топиш ва уларнинг истеъдодини юзага чиқариш мақсадида, 25-26 июль кунлари фолькор-этнографик бадий жамоалари ҳамда бахшиларнинг кўрик-танлови ўтказилди.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш Нуруний жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда “Олтин мерос” Республика халқаро фондининг вилоят бўлими, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштириш бўйича ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгашлари, вилоят ҳокимлиги маданият бошқармаси ҳамда телерадиокомпанияси, Самарқанд шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшма кенгаши билан ҳамкорликда ташкил қилинган ушбу танлов кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Вилоятда фолькор-этнографик бадий жамоалари ҳамда бахшичилик санъатини кенгайтириш, уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш, репертуарларини бойитишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ёшларни фольклор-этнографик жамоалар ва бахшичилик, миллий қадриятларимизга бўлган қизиқишларини янада ортириш, устоз-шогирд анъанаси давомийлигини таъминлаш, фаолият олиб бораётган жамоалар ва бахшиларнинг ижодий ишлари билан яқиндан танишиш имконини беради. Ўтказиладиган танловлар иқтидорли ёш ижрочиларни кашф этиш, уларга амалий ёрдам бериш ва кенг оммага тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган.

Кўрик танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлган жамоалар ва иштирокчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

» Абитуриент-2019

Ижодий имтиҳонлар яқунланди

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 2019/2020 ўқув йили қабул режасига мувофиқ кундузги бакалаврият таълим йўналишига 570 нафар (давлат гранти 38 та, тўлов-контракт 532 та), сиртки таълим шакли учун 175 нафар, магистратура мутахассисликлари учун 52 нафар (12 та давлат гранти, 40 та тўлов-контракт) талабанинг ўқишга қабул қилиниши режалаштирилган эди.

Қабул яқунларига қўра буйил бакалаврият таълим йўналишларига кундузги бўлими учун 2947 та ва сиртки бўлимига 1052 та, жами 3999 нафар абитуриент рўйхатдан ўтди. Магистратура мутахассисликларига 133 нафар номзоддан ҳужжатлар қабул қилинди.

Қабул жараёнларида барча таълим йўналишларида касба

йўналтирувчи плакатлар, лавҳалар, абитуриентлар танлаётган таълим йўналишлари билан боғлиқ бўлган маълумотларни ўзида тўлиқ акс эттирувчи видеороликлар билан бир қаторда мутахассислик кафедралари қошида абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирувчи таълим йўналиши билан боғлиқ бўлган маълумотлар базаси ҳамда таълим йўналиши фаолияти билан боғлиқ саволларга тўлиқ жавоб олиш имконини берувчи махсус соҳа мутахассисларидан иборат намунали хоналар ташкил қилинди.

Институтда сенатор, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Азамат Хайдаров, Ўзбеккино директори Фурқат Зокиров, “Инсон ва қонун” газетаси бош муҳаррири Қўчқор Норқобил, “Китоб дунёси” газетаси бош муҳаррири Хосият Рустамо-

валардан иборат жамоатчилик кенгаши имтиҳон жараёнини кузатиб бормоқда.

Ижодий имтиҳон комиссиялари таркибида Ўзбек миллий академик драма театри директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Александр Бекжонов, Республика ихтисослаштирилган эстрада-цирк мактаби директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карима Зарипова каби етакчи мутахассислар бор. Бугунги кунда тўлиқ ижодий имтиҳонлар билан ўқишга қабул қилинадиган касб таълими: халқ ижодиёти (вокал ижрочилиги) ҳамда санъатда анимациявий ва мультимедиявий лойиҳалаш йўналишлари бўйича ижодий (касбий) имтиҳонлар яқунланди.

Р.ИСМОИЛОВ.



Давра суҳбати

Улуғ инсонлар — мамлакат тимсоли



Сурхондарё вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида 24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг таваллуд куни муносабати билан “Улуғ инсонлар мамлакат ва миллат тимсолидир!” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат давомида китобхонларга Президентимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида кенг маълумотлар берилди.

Кўрик-танлов

“Моҳир кўллар”




27 июль куни Андижон вилояти Шахрихон тумани маданият марказида “Моҳир кўллар” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Шахрихон туман ҳокимлиги, туман ёшлар иттифоқи ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ходимлари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу тадбирда асосан чевар, дизайнер, дўппидўз ва тадбиркор аёллар иштирок эттишти. Танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Хунармандчилик

Аждодлардан мерос касблар

Халқимизнинг бой ва узоқ тарихга эга қадриятлари орасида миллий хунармандчилигимиз алоҳида ўринга эга. Ота-боболаримиз қадимдан гилмоўзлик, шилангарлик, заргарлик, мисгарлик каби турли хунарлар билан шуғулланганлар, шу хунарлари ортидан оиласини боққанлар. Улар ясаган буюмлар эса нафақат юртимиз бозорлари, балки Осиё, ҳатто Европа давлатларигача етиб борган.

Бугунги кунда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ана шу анъаналар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш, қайта тиклашга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда бу йил 10-15 сентябрь кунлари Кўқон шаҳрида илк бор Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш белгиланган.



Азалдан одамзод яшашда давом этар экан, тафаккури кенгайиб, ўзига керакли буюм, анжомларни ясай оладиган ақл эгасига айлана бошлаган ва бу жараён давом этиб, ҳар куни қандайдир янги ускуналар яратилишга эҳтиёж пайдо бўлган. Шу аснода хунармандчиликнинг турфа хиллари шакллана борган. Қулоччилик, кандакорлик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик каби хунармандчилик йўналишлари кенг ривожланган. Улар орасида мисгарлик ҳунари ўзига хос бўлиб, ота-боболаримизнинг ноёб қобилият эгаси бўлганини кўрсатади. Қадимий буюмларнинг асосини металл, металл қотишмалари, металл ва бошқа материаллар қоршиштирилган композит материаллар, ўтказгич, ярим ўтказгич каби элементлар ташкил этади.

Инсоният тарихига назар ташласак, металл билан ишлаш миллоддан аввалги тўртинчи минг йилликларда бошланган экан. Жумладан, шарқда мисдан турли буюмлар ясаш миллоддан аввалги тўртинчи минг йилликдан бери маълум. Мис тангалар миллоддан аввалги саккизинчи асрнинг охири-еттинчи асрнинг бошларида қадимги Лидия давлатида пайдо бўлган. Ўрта Осиёда миллоддан аввалги тўртинчи асрдан бошлаб мис тангалар муомаллага кирган.

Афросиёб худудидан миллоддан аввалги учинчи асрга тааллуқли Салавкилар давлати подшоҳи Антиох 1 номи ёзилган, Бухоро воҳисидан эса миллоддан аввалги тўртинчи асрга тегишли камончи тасвири туширилган майда мис тангалар топилган.

Қадим Сўғдиёна ва унга тобе бўлган ерлардаги аҳоли ҳам мис тангадан фойдаланган. Еттинчи аср ўрталарида Сўғдиёна давлатида 1 кг мисдан ўртача 425 та танга, саккизинчи аср ўрталарида эса 1 кг мисдан 963 донга танга зарб қилинган. Афросиёбдаги археологик қазिश вақтида турли даврларга оид мис тангалар хазинаси топилган. Уша давр-


ларда мис тангалар кумуш тангаларга қўшимча чақа сифатида ишлатилган. Мис асосидаги қотишмалар — инсон яратган биринчи металл қотишма саналиб, қадимги Жез даврида илк бор қўлланилган. Қадимги хунармандлар мис ва унинг бошқа юмшоқ металллар қотишмасидан қуроллар, уй-рўзгор буюмлари ясаган. Мисгарлик касбининг тарихи ҳам ана ўша даврларга бориб тақалади. Усталар мисни эритиб қолипга қуйиш ёки болғалаш йўли билан буюм ясаган.

Мураккаб шаклдаги буюмларни ясашда мис эритилиб, қолипларга қуйилади ва ҳар бир қисм қолипдан кўчириб олиниб тозаланади, турли чизмалар, нақшлар ўйилади ёки босма усулда босилади. Сўнгра бўлақлар бириктириб қалай билан бириктирилади. Бу иш кандакорлик деб аталади.

Қадимда соф миснинг ўзидан болғалаш усулида буюмлар ясалган. Аммо улар юмшоқ ва мўрт бўлган. Миллоддан аввалги иккинчи минг йилликда, яъни жез даврида мис-қалай-рух-кўргошин аралашмасидан иборат металл қотишмалардан бир оз пишикроқ бўлган буюмлар ясала бошланган. Жумладан, Бухорода нақшланган мис ва жез идишлар миллоддан аввалги биринчи минг йилликда қуйма усулда тайёрлангани маълум.

Фарғона водийсининг Чуст туманида қадимий маданиятга оид пичоқ, ўроқ, зирақлар топилган. Жездан ҳужмдорларнинг муҳрлари ҳам ясалган ва уларда илон, бургут каби жониворларнинг тасвири учрайди. Ушбу тасвирлардан маълум бўладики, мис ва жез буюмлари безашда чизма, кандакори, бўртма нақшлар қўлланилган.


Беҳинчи-саккизинчи асрларда Сўғдиёна ва Хоразмда металлдан бадиий безак буюмлари, ўннинчи-ўн иккинчи асрларда меҳнат қуроллари,



ҳарбий аслаҳалар, рўзгор анжомларини ясаш бошланган. Мазкур топилмаларда исломий нақшлар, мавзули тасвирилар, ёзувлар битилган, қимматбаҳо тошлар қадалган ва ҳайвонлар шаклида ясалган идишлар каби юксак бадиийлик мавжуд. Араб сайёҳи ва географ Муқаддасийнинг ёзишича, ўннинчи асрларда араб мамлакатларида Самарқанддан катта мис қозонлар, нафис мис қадахлар, Бухородан мис чироқлар келтирилган. Самарқанднинг Регистон майдонидан топилган ўн тўртинчи-ўн олтинчи асрларга оид жез буюмлар хазинасида кандакори идишлар, тилла, кумуш, қизил мисдан безалар қадалган қадама усулдаги буюмлар мавжудлиги ўша давр тараққиётдан



да ҳам уй-рўзгор анжомлари орасида мис буюмлардан фойдаланиётганини учратиш мумкин. Наманган вилоят маданияти ва тарихи музейида сақланаётган мис ашёлар рўйхатидаги қадимий обдаста ўз даврига хос шаклда — бўғзи узун ва тор, қуйи қисми (қорни) кенг, Тошкент, Фарғона мисгарлик мактаби услубида таг қисми чамбаракли, узун ва ингичка жўмракли, худди шундай шаклдаги даста билан ясалган. Обдаста ёки офтоба қўл чайиши, ювениш учун ишлатилган. Бу каби буюмлар кейинчалик Россия металл заводларида чўйндан қуйма шаклда, кўп миқдорда ишлаб чиқарилгани сабабли маҳаллий хунармандларнинг қўл меҳнати асосида “Ўрдак”, “Товус”, “Туя бўйин” каби кўринишларда ясалган, нақш ва рангли тошлар билан зийнатланган мис офтоба-обдасталар камайиб кетди.



Кумгон ёки чойдиш деб аталадиган яна бир рўзгор анжоми қадимда мисдан дастали, қопқоқли, жўмракли, баъзан қисқа жўмраксимон ўймали шаклда, ич қисми қалай билан оқартириб ясалган. Кумгонда чой қайнатилган, чой дамланган. Кумгон обдастадан фарқли равишда бўғзи кенг, ичидаги сув атрофга сачрамай бир текисда тушиши учун жўмрак ўрнида ўзига хос шаклдаги ўйикли ёки қисқа жўмракли, ушлагич-дастали, қорин қисми кенг кўринишга эга. Кумгонлар турли катталиқда яса-либ, 4-5 литрли, 2-3 литрли, 1,5-2 литрли ҳажмда бўлган ва сув сиймига мос тарзда катта кумгон, ўрта кумгон ва кумгонча деб номланган. Кумгонлар ҳам кандакор усталарнинг ҳаёлий нақшлари, чизилари билан безалиб, айримлари ра-англи тошлар қадалган. Ўрта Осиё ва Кавказ халқлари ўтмишда кумгондан кенг фойдаланишган, ҳозир эса бу ашёлар музейлар ёки шахсий тўпламларда сақланмоқда. Чинни идишлар (Хитой чинниси), Россия фарфор идишлари кўп миқдорда кириб кела бошлагач, кумгон-чойдиш ҳам аста-секин ўзбек рўзгор буюмлари сафини тарқ этди.

Мис кўза — сув ва бошқа суюқликларни ташиш, сақлаш учун фойдаланилган идиш. Кўзанинг бўйни ингичка, қорни кенг, остки томони янада кенгайиб боради. Таг қисми чамбарак бўлиб, сув босими кўпроқ тушгани учун мустаҳкамловчи вазифасини бажаради. Битта қулоғи, яъни дастаушлагичи бўлган кўза жўмраксимон обдастани эслатади. Мис кўза кўпинча алоҳида бўлақлар шаклида қуйиб олиниб, сўнгра қалай ёрдамида бириктирилган. Музейларда сақланаётган айрим кўзаларнинг сирти олтин, кумуш қуйма нақшлар, қимматбаҳо тошлар қадаб безатилган. Сопол ва мис кўзанинг тақши кўринишида бир оз фарқ бор. Дастаси ясалган сопол кўза “Мўнди” деб аталади.

Ўрта Осиёнинг қўчманчи халқлари нон пиширишда фойдаланган мис товалар ҳам музейнинг ноёб экспонатларидан биридир. Тарелкасимон икки палладан иборат мис тованинг бир палласига тайёр хамир солиниб, устига иккинчи палласи ёпилган ва чўе ичида маълум вақт ушлаб турилгач, нон тайёр бўлган.

Азиза МАДАЛИЕВА,
Наманган вилоят маданияти ва тарихи музейи катта илмий ходими

Кўрик-танлов

“Энг яхши китобхон оила”



Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман кўзи ожизлар кутубхонаси жамоаси Кўзи ожизлар маданият маркази билан ҳамкорликда китобхонлар ўртасида “Энг яхши китобхон оила” кўрик танловини ўтказди.

Китобхонларнинг бўш вақтларини мазмунли таш-

кил этиш, улардаги мутолага бўлган меҳрни ошириш мақсадида ўтказилган мазкур танловда 5 та китобхон оила қатнашди. Тадбир якунида ғолиблар ва барча иштирокчилар ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.



Моддий мерос



Изсиз йўқолган ҳайкал

Йўлдош Охунбоев — 1885 йилда Марғилон уезди Ёзёнов волостидаги Эски Жўйбозор қишлоғида туғилиб, 1943 йилнинг 28 февраль куни оламдан ўтган давлат арбоби. У ХХ асрнинг бошида Ўзбекистон республикасида 1925 йилдан 1943 йилга қадар раҳбарлик қилган. Вафотидан сўнг унинг хотирасини абадийлаштириш учун туман ва ташкилотлар, кўчаларга Охунбоев номи берилиб, кўп жойларга ҳайкаллари ўрнатилган. Улар ичида бронзадан ишланган, оғирлиги бир неча тонна бўлган асосий ҳайкал дастлаб 1959 йил 6 ноябрь куни Тошкент шаҳридаги Собиқ Октябрь райони (ҳозирги Шайхонтоҳур ту-

мани)га ўрнатилган. Кейинчалик 1983 йилнинг 28 июлида Марғилон шаҳри марказидаги Й.Охунбоев майдонига кўчирилган.

2006 йил 18 октябрь куни Й.Охунбоев (ҳозирги Қўштепа) тумани ҳокимлигининг Й.Охунбоев ҳайкалини у туғилиб ўсган қишлоққа кўчириш ҳақидаги илтимоснома асосида (16 октябрь) 17-умумтаълим мактаби ҳудудига ўрнатилган.

Маълум вақт ўтгандан сўнг ҳайкал жойидан яна олинган. Мактаб маъмурияти ҳайкал олиб кетилганидан хабардор. Лекин кимнинг буйруғига кўра, кимлар томонидан олингани ва қаерга олиб кетилгани ҳақида бирор-бир маълумотга

эга эмас. Қизиғи шундаки, махсус техника ёрдамида ўрнатилган, оғирлиги бир неча тонна келадиган Й.Охунбоевнинг бронзадан қуйилган ҳайкали қаерда эканлиги ҳақида Қўштепа туман ҳокимлиги, маданият бўлими ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳам хабарлари йўқ.

Хуллас, умумхалқ мулки саналган оғирлиги бир неча тонна бўлган ҳайкал йўқолса-ю, ҳеч ким, ҳеч нарса билмаса, айбдорлар қидирилмаса, буни қандай тушуниш мумкин?..

Ғ.АЛИЖОНОВ,
Марғилон шаҳар тарихи музейи мудир

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2019 йил 5 сентябрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказад!

Аукцион савдоларига Тошкент ш. Миробод тумани И.Каримов кўчаси, 15-уйда жойлашган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази балансидаги 2009 й. и/ч, д/р 01/663ZCA, бошланғич нархи 34 517 700 сўм бўлган “ЛАСЕТТИ” русумли; Тошкент ш. Миробод тумани Туркистон кўчаси, 7-уйда жойлашган “TEMIR YO‘L MAHSULOTINI SERTIFIKATLASH TIRISH MARKAZI” ДУК балансидаги 2001 й. и/ч, д/р 01/614QBA, бошланғич нархи 30 600 000 сўм бўлган “GAZ 3102” русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камиди 20 фоизи миқдоридаги закат пули “TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO” МЧЖнинг АТИБ “Ипотекабанк” Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 хисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юкланади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқориди белгиланган савдо куниди сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқориди кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри Миробод тумани Амир Темур шох кўчаси, 16-“А” уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS MCH@mail.ru

Шунингдек, “TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO” МЧЖ томонидан 2019 йил 18 ва 25 июль кунлари ўтказилган очик аукцион савдоси натижаларига кўра, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси балансидаги д/р 01/271TBA бўлган “НЕКСИЯ” – 20 500 000 сўмга; д/р 01/218TBA бўлган “ТА33102-801” – 16 700 000 сўмга; д/р 01/269TBA бўлган “НЕКСИЯ” – 14 000 000 сўмга; д/р 01/267TBA бўлган “ВА32106” – 8 300 000 сўмга; “Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси балансидаги д/р 01/280TBA бўлган “ЕРИСА” – 50 400 000 сўмга сотилгани маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Китобхонлар танлови

“Онажоним алла айтганда...”

25 июль куни Ўзбекистон кўзи ожизлар жамяти Асака туман бўлини маси ҳамда Асака тумани кўзи ожизлар махсус маданият маркази ҳамкорлигида “Онажоним айтганда алла” деб номланган кўрик-танлов ташкил этилди.

Ўз КОЖ Асака туман бўлини маси раиси Сабохон Мамажонованинг кириш сўзидан сўнг кутубхона мудираси Хуршида Азизованинг алла ҳақидаги маърузаси тингланди.

Танловда қатнашган 7 нафар фаол китобхон бу қадимий қўшиқни турли оҳангларда ижро қилиб беришди. Ҳакамлар ҳулосасига кўра, 1-ўрин Лолахон Зулуновага, 2-ўрин Моҳирахон Ҳожалиевага, 3-ўрин Саидахон Турсуноваларга насиб этди. Ғолибларга туман Ўз КОЖ бўлини маси томонидан совғалар топширилди.

Тадбир давомида туман маданият маркази директори Мақсудбек Эгамбердиев ҳамда марказ ходимлари ижросидаги дилрабо қўшиқлар барчага хуш кайфият улашди.

Х.АЗИЗОВА,

Анджон вилояти Асака тумани кўзи ожизлар кутубхонаси мудираси



Кўрик-танлов

Вилоят босқичи бўлиб ўтди

26 июль куни Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида “Энг яхши китобхон оила” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта таълим вазирлиги ҳамкорликда ишлаб чиққан низом асосида Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда вилоятдаги мавжуд шаҳар ва туман кўзи ожизлар кутубхоналарининг энг яхши китобхон оилалари қатнашди.

Тўрт шарт бўйича ўтказилган танловда биринчи ўринни Боғот туман кўзи ожизлар кутубхонаси китобхони — Неъматжон Қиличевлар оиласи, иккинчи ўринни Хива туман кўзи ожизлар кутубхонаси китобхонлари — Аллаберган Султоновлар, учинчи ўринни вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси китобхонлари — Фарҳод Машариповлар оиласи эгаллади.

Ғолиблар вилоят кўзи ожизлар кутубхонасининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Биринчи ўрин эгаси бўлган Қиличевлар оиласи эса танловнинг республика босқичига йўланма олди.

Ў.ЮСУПОВА,

Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси
Методика-библиография бўлими мудираси



ТaqдимоT

“Бобур – тафаккур соҳиби”



Қашқадарё вилояти кўғирчоқ театрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги янги саҳна асарининг тақдими бўлиб ўтди.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, Дурбек Қўлдошевнинг “Императорнинг туғилиши” асарлари асосида Каромат Дилмонов яратган “Тафаккур соҳиби – Заҳириддин Муҳаммад

Бобур” пьесасини режиссёр Ғайрат Ҳамроев саҳналаштирди. Ушбу спектакль 26 июнь куни илк бор томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Асардан кўзланган мақсад, ёш авлодни улуг шох ва шоир Бобур тутган маърифат шамшири, нури зиёсидан баҳраманд қилишдир. Зеро, улуг бобомизнинг қўлида тутган яроғи тафаккур эди.

Карор



Эркин Воҳидов мемориал музейи ташкил этилди

Ўзбек халқининг атоқли шоирлари — Эркин Воҳидов ҳамда Ҳазиний ижодини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, номларини абадийлаштириш, ёшлар ўртасида адабий муҳитни янада кенг ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 июлда “Эркин Воҳидов мемориал музейи ҳамда Ҳазиний уй-музеини фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Карор асосида Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида Эркин Воҳидов мемориал музейи ҳамда Учкўприк туманида Ҳазиний уй-музеини ташкил этилди. Ушбу музейлар Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг филиали сифатида фаолият юритади.

Уларда маданий-маърифий тадбирлар, атоқли шоир ва ёзувчилар ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратилди. Ва устозларнинг ижод намуналаридан кенг жамоатчилик баҳра олади.

Илмий амалий семинар

“Театр ва драматургия: ютуқ ва муаммолар”



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида 31 июль куни Фарғона шаҳрида “Театр ва драматургия: ютуқ ва муаммолар” мавзусида Андижон, Наманган ва Фарғона минтақалараро илмий-амалий семинари ўтказилди. Унда юртимизнинг таниқли театр ва кино арбоблари, санъатшунос олимлар, санъат усталари иштирок этишмоқда.

Халқаро эътироз

“Бухоро мавжлари” — Туркияда

Ўзбекистон давлат филармонияси тасарруфидаги 18 та бадиий жамоа ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалар юртимизнинг энг истеъдодли ижодкорларини ўзида жамлаган. Улар миллий куй-қўшиқларимиз, рақсларимизни нафақат юртимизда, балки жаҳон бўйлаб ўтказиладиган халқаро фестивалларда ҳам кенг тарғиб қилиб келишмоқда.

Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят бўлимаси хузуридаги “Бухоро мавжлари” ашула ва рақс ансамбли 2019 йил 8-22 июль кунлари Туркия давлати бўйлаб турне гастроль сафарларида бўлиб қайтди.

2019 йил 8-12 июль кунлари Бурса шаҳрида 33-халқаро “Олтин Қорақўз” фольклор ва рақс фестивалида дунёнинг 32 та мамлакатидан фольклор ва рақс жамоалари иштирок этди. 13-18 июль кунлари эса Инегюл шаҳрида ўтказилган 32-халқаро маданият ва санъат фестивалида 13 та мамлакат қатнашди. Улар орасида “Бухоро мавжлари” ансамбли жамоаси ҳам бор эди. Бухоролик санъаткорлар 18-22 июль кунлари Ялова шаҳрида бўлиб ўтган халқаро “Туркий халқлар маданий айтишуви” фестивалида ҳам қатнашишди.

Ушбу фестиваллар доирасидаги маданий тадбирлар оммавий сайл шаклида ва аҳоли дам олиш масканларида бўлиб ўтди. Ансамблнинг ҳар бир чиқиши томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Жумладан, Фарғона, Тошкент, Хоразм ва бухороча рақслар, доира зарблари барчани ўзига мафтун этди. Мазкур фестиваллар давомида Бурса, Инегюл ва Ялова шаҳар губернаторлари ва маданият давлат ташкилотлари раҳбариятлари билан давра суҳбатлари ва турли учрашувлар бўлиб ўтди.

Энг муҳими, “Бухоро мавжлари” аъзоларининг бетақрор миллий кўшиқ ва рақслари фестивалга ташриф буюрган бошқа ансамблларни ҳам ўзига ром этди. Жамоа ўзбек санъати ва маданиятини, хусусан, миллий рақс санъатини ёрқин намойён этганликлари учун дипломлар, эсдалик совғалари, Ялова шаҳрида ўтказилган фестивалда Гран-при соҳиби бўлдилар. Келгусида шу каби танловларда яна иштирок этиш бўйича ташкилотчилар ва бошқа чет давлатлар вакиллари билан ўзаро фикр алмашилди. Жамоа фаолияти ташкилотчилар томонидан оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиб борилди.

Абдуваҳоб САХИЕВ,
Ўзбекистон давлат филармонияси бош директорининг
биринчи ўринбосари

Абитуриент-2019

Ижодий имтиҳонлар давом этмоқда



Ўзбекистон давлат консерваториясида ихтисослик фанларидан бўлиб ўтган дастлабки имтиҳонлар натижалари эълон қилинди.

25-26 июль кунлари мазкур олий таълим даргоҳида абитуриентлардан алоҳида иқтидор талаб этиладиган пуфлама (зарбли) чолғулар ва эстрада чолғу ижрочилиги, 25 июлдан 27 июлга қадар фортепиано (орган), академик хонандалик, анъанавий чолғу ижрочилиги, 27-28 июль кунлари эса санъатшунослик (муסיқашунослик), торли чолғулар ижрочилиги йўналишларига кириш синовларида иштирок этаётган абитуриентлар тасдиқланган жадвал асосида касбий (ижодий) имтиҳонларда қатнашишди.

30 июлдан бошлаб абитуриентлар сольфеджио ва гармония фанларидан ёзма имтиҳонлар топширдилар.

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир:
Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Муҳаббат Шарифова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содикова
Адади - 8556 Буюртма - Г - 827
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

Газета “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси, 42.
Босмахонага топшириш вақти - 22.00
Топширилди - 22.00
1 2 3 4 6